



СУҒУРТА ПОРТФЕЛИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ

и.ф.н., доц. **Зойиров Лазиз Субхонович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0005-9252-7567
lzoyirov@mail.ru

Аннотация. Мақолада суғурта портфелининг суғурта компаниялари фаолиятидаги ўрни ва уни шакллантириш ҳамда бошқариш билан боғлиқ муаммолари таҳлил қилинган. Рискларни диверсификация қилиш, ликвидлик, рентабеллик ва тартибга солишга мувофиқлик каби асосий портфель функциялари кўриб чиқилган. Иқтисодий беқарорлик ва қонунчиликдаги ўзгаришлар шароитида активларни тақсимлашни оптималлаштириш ва рискларни прогноз қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Активларни бошқаришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш учун илмий изланишлар муҳимлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: суғурта, инвестиция, суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти, суғурта резервлари, инвестиция сиёсати, инвестиция портфели.

ВЛИЯНИЕ СТРАХОВОГО ПОРТФЕЛЯ НА ИНВЕСТИЦИОННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

к.э.н., доц. **Зоиров Лазиз Субханович**
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Статья анализирует роль страхового портфеля в деятельности страховых компаний и проблемы, связанные с его формированием и управлением. Рассматриваются ключевые функции портфеля, такие как диверсификация рисков, ликвидность, прибыльность и соблюдение нормативных требований. Особое внимание уделено оптимизации распределения активов и прогнозированию рисков в условиях экономической нестабильности и изменений законодательства. Подчеркивается важность научных исследований для разработки новых методов управления активами и повышения финансовой устойчивости страховых компаний.

Ключевые слова: страхование, инвестиции, инвестиционная деятельность страховых организаций, страховые резервы, инвестиционная политика, инвестиционный портфель.

INFLUENCE OF INSURANCE PORTFOLIO ON INVESTMENT ACTIVITIES

PhD, assoc. prof. **Zoirov Laziz Subkhanovich**
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article analyzes the role of the insurance portfolio in the activities of insurance companies and the problems associated with its formation and management. Key portfolio functions such as risk diversification, liquidity, profitability and compliance with regulatory requirements are considered. Particular attention is paid to optimizing asset allocation and forecasting risks in the context of economic instability and legislative changes. The importance of scientific research for developing new methods of asset management and increasing the financial stability of insurance companies is emphasized.

Keywords: insurance, investments, investment activities of insurance organizations, insurance reserves, investment policy, investment portfolio.

Кириш.

Суғурта портфели том маънода бу суғурта компанияси шартнома асосида суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини қоплаш учун фойдаланадиган молиявий активлар тўпламидир. Ушбу портфелни бошқариш компаниянинг инвестиция фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки муваффақиятли инвестициялар компаниянинг молиявий барқарорлиги ва узоқ муддатли рентабеллигини таъминлайди. Суғурта компаниялари молиявий бозорларнинг муҳим институтчионал инвесторларига айланиб бўлган, улар катта миқдордаги узун пуллар ва капитални тўплайди ҳамда даромад олиш учун турли активларга фаол инвестиция фаолиятларини самарали олиб боришади.

Суғурта портфели ва инвестиция фаолияти ўртасидаги муносабатлар рискларни бошқариш, инвестицион стратегияларини танлаш ва активларни бошқариш орқали намоён бўлади, бу эса охир-оқибат суғурта компаниясининг молиявий натижалари ва барқарорлигига тўғридан тўғри таъсир қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда муҳимдир, сабаби суғурта компаниялари фонд бозорларида институтчионал инвестор бўлиб хизмат қилади, ундан ташқари йирик молиявий ресурсларни тўплайди ва қўшимча фаолиятидан даромад олиш самарадорлигини таъминлайди.

Инвесторлар сифатида фаолият юритаётган суғурта компаниялари аҳоли ва юридик шахсларнинг маблағларини фонд бозорига жалб қилувчи воситачиси бўлиб уларнинг ва ўзининг даромадларини оширишда барқарор манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

Окорова (2012) Суғурта инвестицияларини ривожлантириш муаммолари ва устувор йўналишларини ўрганар экан, шуни таъкидлайди, суғурта бозори ривожланишининг ўзига хос хусусияти суғурта компаниялари томонидан тўпланган капиталнинг ўсиб боришидир, бу иқтисодий ривожланган мамлакатлар компанияларини молия бозорига муҳим роль ўйнайдиган йирик инвестиция институтларига айлантирганлигини таъкидлайди.

Суғурта ва инвестиция соҳасидаги тадқиқотчилар томонидан суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти таҳлил қилингандир, жумладан Тургенова (2017), Журавка (2016) инвестицион фаолиятининг қуйидаги жиҳатлари тадқиқ этган, яъни суғурталовчиларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва инвестиция портфелини моделлаштириш. Акимова (2017) эса суғурталовчининг инвестиция салоҳияти кўрсаткичлари тизими ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган. Нана

ва бошқалар (2018) эса тадқиқотларида АҚШда суғурта компанияларининг суғурта захираларини жойлаштириш амалиёти таҳлил қилинган.

Шор (2013) ўз тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайди, яъни суғурта компаниясининг молиявий ресурслари ўзаро боғлиқ пул даромадлари, жамғармалари ва тушумлари мажмуини ифодалайди, улар қўйидагиларга ёрдам беради:

- суғурта компаниясининг суғурталанувчилар, биргаликда суғурталовчилар, қайта суғурталовчилар ва суғурта бозорининг бошқа субъектлари олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга;

- суғурта компанияси томонидан жорий, инвестиция ва молиявий операциялар учун такрор ишлаб чиқариш харажатларини амалга оширишга;

- жамиятнинг ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга.

Жигас (2009) суғурта бўйича олиб борилган таҳлилларида суғурта портфели бўйича қўйидагиларни таъкидлайди, яъни суғурта портфели – бу маълум бир суғурта суммаси билан тавсифланадиган суғурта шартномаларининг тўпламидир. Аслида эса у суғурта компаниясининг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятидир. Барқарор суғурта портфелини яратиш суғурта компаниясининг муҳим мақсадларидан биридир. Қабул қилинган суғурта шартномалари бўйича суғурта компаниясининг жавобгарлик даражаси унинг молиявий имкониятларига мос келиши керак. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун кўп миқдордаги суғурта шартномалари ва паст даражадаги жавабгарлик билан суғурта портфелини шакллантириш тавсия этилади.

Чалдаева (2011) эса суғурта портфелига қўйидагича тариф беради, жумладан, суғурта портфели (insurance portfolio) – маълум вақт (маълум бир санада) оралиғида суғуртани ривожлантириш бўйича суғурта компанияси фаолиятининг умумлаштирилган тавсифи. Кўплаб фарқларга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар суғурта портфелининг моҳияти тўғрисидаги қарашлари бир хиллигини таъкидлайдилар, яъни суғурта портфелининг миқдорий белгиси бу суғурта шартномасидир. Унинг моҳияти эса суғурта компанияси суғурталанувчи томонидан суғурта хизматини олдиндан тўлаган тақдирда зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши тушунилади.

Шунингдек Абдурахмонов (2020-2025) ҳозирги иқтисодий шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта бозорини тартибга солиш усуллари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

Тадқиқот методолигияси.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек инвестицион фаолиятни амалга оширишда суғурта портфелининг ўрни ҳамда уни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Суғурта портфелини шакллантириш тамойиллари суғурта компанияларига ўз активларини бошқариш ва рискларни диверсификация қилишда ёрдам берадиган асосий йўналиш ва стратегиялардир. Ушбу тамойиллар компанияларга молиявий барқарорликни таъминлаш ва рискларни камайтиришга ёрдам беради. Суғурта портфелини бошқариш қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

Диверсификация тамойили. Диверсификация суғурта портфелини шакллантиришнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Ушбу тамойил рискларни

минималлаштириш учун активларни ҳар хил турдаги инвестициялар бўйича тақсимлашни ўз ичига олади. Масалан, акциялар, облигациялар ва кўчмас мулкка инвестициялар суғурталовчига бозорнинг бир сегментидаги тебранишлар билан боғлиқ рискларни камайтириш ҳамда барқарор даромадни таъминлаш имконини беради.

Ликвидлик тамойили. Суғурта портфелидаги активларнинг ликвидлиги муҳим роль ўйнайди. Суғурта компаниялари ўз портфелида суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун нақд пулга тез айланадиган ва тезда сотиладиган активларга эга бўлишлари муҳимдир. Юқори ликвидлик компанияга тезкор ва катта тўловларга тайёр бўлишга ёрдам беради.

Рискларни бошқариш тамойили. Рискларни бошқариш зарурати турли хил инвестиция активлари билан боғлиқ потенциал йўқотишларни баҳолаш ва бошқаришни англатади. Суғурта компаниялари рентабелликни сақлаб қолиш билан бирга юқори рисклардан қочиш учун ўз портфелларини мувозанатлашлари керак бўлади. Масалан, рискни бошқаришда оптимал даромадга эришиш учун паст рискли облигациялар ва рискли қимматли қоғозларга инвестицияларни мувозанатлаштириш мумкин бўлади.

Даромадлиликка йўналтирилганлик тамойили. Суғурта компаниялари ўз активларидан максимал фойда олишга интиладилар. Бунинг учун улар маълум бир рискларни ҳисобга олган ҳолда юқори даромад келтириши мумкин бўлган активларга инвестиция киритадилар. Кутилаётган даромадни ҳисобга олиш активларни танлашда муҳим омил рол ўйнайди.

Молиявий барқарорлик тамойили. Компаниялар молиявий барқарорлик ва суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини таъминлаши керак. Бунга эришиш учун биринчи босқичларда мунтазам ва барқарор даромад келтирадиган ишончли ва рискли активлардан инвестиция портфелини шакллантиради.

Норматив-ҳуқуқий талабларга риоя этиш тамойили. Суғурта компаниялари ўз фаолиятини тартибга солувчи барча қонунчилик ва меъёрий талабларга риоя қилишлари шарт. Бу суғурта портфелининг таркиби ва тузилишига таъсир қилиши мумкин бўлган минимал капитал талаблари, мажбурий захиралар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Этик ва жамиятга таъсир тамойили. Сўнгги йилларда кўплаб суғурта компанияларида инвестиция фаолияти экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув жиҳатларини ҳисобга олиш тенденциялари кўзатилаётганда. Мисол учун, улар кўпроқ яшил облигациялар ёки ижтимоий масъулиятли лойиҳаларга инвестицияларни йўналтирмоқдалар. Бу уларга нафақат даромад олиш имконини, балки жамият ва атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Динамик стратегия тамойили. Суғурта портфелини бошқариш эгулувчан ва бозордаги ўзгаришларга мослашувчан бўлиши муҳимдир. Иқтисодий муҳитдаги ўзгаришлар, бозор тебранишлари ва тартибга солиш нормаларининг ўзгаришлари натижасида келиб чиқадиган рискларга тайёр туриш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади. Суғурта компаниялари активларни самарали бошқаришда ушбу омилларга асосланган ҳолда ўз стратегияларини ўзгартиришлари ўзгартириб туришлари мумкин.

Узоқ муддатли стратегия тамойили. Суғурта компаниялари кўпинча узоқ муддатли инвестицияларга эътибор қаратадилар, улар бўйича даромад юқори бўлмаса ҳам. Кўчмас мулк ёки узоқ муддатли қимматли қоғозлар каби узоқ муддатли активларга. Улар узоқ вақт давомида компанияга барқарор даромад келтириши ва молиявий барқарорликни таъминлаши мумкин.

Юқорида келтирилган тамойиллар суғурта компанияларига ўз портфелини самарали бошқариш, активларни диверсификация қилиш ва молиявий барқарорликни сақлашга ёрдам беради. Ушбу тамойиллар компанияларга рискларни камайтиришга ва барқарор ўсишга эришишга яқиндан ёрдам беради.

Суғурта портфели ўзининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўплаб функцияларни бажаради (1-жадвал).

Бу функцияларнинг амал қилиши ўз навбатида суғурта компаниялари учун мувозанатлашган портфелни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Суғурта портфелининг функцияларига амал қилиш суғурта компанияларининг активлари ва мажбуриятларини самарали бошқаришда, ноаниқлик ва бозор нобарқарорлиги шароитида стратегик мақсадларга эришиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашда асосий роль ўйнайди.

1-жадвал

Суғурта портфелининг иқтисодий функциялари

Функция	Изоҳ
Ликвидликни таъминлаш	Суғурталанган шахслар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун маблағлар мавжудлигини таъминлаш
Рискларни бошқариш	Потенциал йўқотишларни минималлаштириш учун турли суғурта турлари ва активлар ўртасидаги рискларни мувозанатлаш.
Молиявий барқарорликни таъминлаш	Компанияни бозор шароитидан қатъий назар мажбуриятларни қоплаш учун етарли ресурслар билан таъминлаш
Даромадлилик	Операцион харажатларни қоплайдиган ва фойда келтирадиган инвестиция даромадларини олиш
Диверсификация	Йўқотиш рискинни камайтириш ва даромадларни барқарорлаштириш учун активларни турли объектлар ўртасида тақсимлаш
Молиявий рискларни камайтириш	Портфелни фаол бошқариш орқали молиявий йўқотишлар рискинни камайтириш
Мажбуриятларни баҳолаш ва тартибга солиш	Мажбуриятларни баҳолаш ва уларни қоплаш учун захираларни бошқариш, меъёрий-ҳуқуқий талабларга риоя қилиш
Норматив ҳужжатларга мувофиқлик	Минимал капитал талаблари, мажбурий захиралар ва бошқа қоидаларга мувофиқлиги
Компания обрўсини сақлаш	Портфелни самарали бошқариш мижозлар ва ҳамкорлар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди, компания обрўсини оширади
Суғурта даъволари бўйича тўловларни тайёрлаш	Мумкин бўлган суғурта даъволари, шу жумладан йирик ва оммавий ҳодисалар учун тўловларни қоплаш учун захираларнинг мавжудлиги

Манба: эмперик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Умуман олганда, суғурта портфели молиявий барқарорликни, рентабелликни ва норматив ҳужжатларга риоя қилишни таъминлаш, шунингдек, суғурта компанияларининг узоқ муддатли барқарорлиги ва ўсишини таъминлайдиган ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Суғурта компанияларининг инвестиция портфелини шакллантириш жараёни компаниянинг активлари ва мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлайдиган бир неча асосий босқичларни ўз ичига олади. Ушбу босқичлар хавфларни минималлаштириш ва компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун муҳимдир (2-жадвал).

2-жадвал

Суғурта портфелини шакллантириш босқичлари ва жарёнлари

Босқич	Жараён
Суғурта компаниясининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш	<p>Жорий ҳолатни баҳолаш: ликвидлик, рентабеллик, активлар ва пассивлар таркибини аниқлаш.</p> <p>Мажбуриятларни баҳолаш: Суғурталанган шахслар олдидаги мажбуриятлар ва келажакдаги тўловлар миқдорини аниқлаш.</p> <p>Даромадлилик талабларини аниқлаш: мажбуриятларни қоплаш ва фойда олиш учун зарур бўлган даромадни прогноз қилиш</p>
Инвестиция стратегиясини аниқлаш	<p>Инвестицион мақсадлар: ликвидликни сақлаш, фойдани кўпайтириш, рискларни минималлаштириш каби стратегик мақсадларни аниқлаш.</p> <p>Актив турларини танлаш: қимматли қоғозлар, акциялар, кўчмас мулк, муқобил инвестициялар ва бошқаларга инвестиция қилиниши режалаштирган актив тоифаларини аниқлаш.</p> <p>Рискларни баҳолаш: рискларни бошқариш ёндашувини танлаш, шу жумладан активларни диверсификация қилиш ва рискларни ҳимоя қилиш</p>
Инвестиция портфелининг таркибини тузиш	<p>Активларни диверсификация қилиш: рискни камайтириш учун капитални турли активларга тўйналтириш. Ҳар хил турдаги риск ва даромадлилик даражасига эга бўлган активларни ташкил этиш.</p> <p>Рискли/рисксиз активлар мувозатани: барқарор банк депозитлари ва нобарқарор қимматли қоғозлар активлар ўртасидаги нисбат.</p> <p>Географик диверсификация: бир иқтисодиёт билан боғлиқ рискларни минималлаштириш учун турли минтақалар ва мамлакатларга инвестиция қилиш</p>
Инвестиция воситаларини танлаш ва таҳлил қилиш	<p>Инвестиция воситаларини баҳолаш: потенциал инвестиция имкониятларини ўрганиш, шу жумладан даромад ва рискларни баҳолаш.</p> <p>Ликвидлиликни баҳолаш: активлар керак бўлганда тезда сотилишини таъминлаш учун активларнинг ликвидлигини ҳисобга олиш.</p> <p>Мунтазам равишда бозор ўзгаришларини таҳлил қилиш: Фоиз ставкалари, инфляция, бозор тенденциялари каби жорий иқтисодий шароитларни таҳлил қилиш</p>
Рискларни бошқариш сиёсатини белгилаш	<p>Инвестицион рискларни баҳолаш: рискларнинг барча турларини, масалан, бозор rischi, кредит rischi, ликвидлик хавфи ва бошқаларни баҳолаш.</p> <p>Рисклардан ҳимоя қилиш воситаларини танлаш: суғурталаш ёки хеджирлаш механизмларидан фойдаланиш.</p> <p>Заҳираларни шакллантириш: мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳираларни шакллантириш ва миқдорини аниқлаш</p>
Инвестиция портфелини мониторинг қилиш ва бошқариш	<p>Самарадорлик таҳлили: активларнинг даромадлилиги ва рискини мунтазам таҳлил қилиш, шу жумладан режалаштирилган натижалардан оғишларни баҳолаш.</p> <p>Портфелни мувофиқлаштириш: Мониторинг ва таҳлил асосида портфель тузилмаси тузилади (айрим активларни сотиш, бошқаларни сотиб олиш).</p> <p>Доимий ҳисобот: Компания раҳбариятига ҳисоботлар ва натижалар таҳлилинини тақдим этиш</p>
Аудит ва ҳисобдорлик	<p>Мунтазам ҳисобот бериш: ички ва ташқи манфаатдор томонлар (тартибга солувчи органлар, акциядорлар ва бошқалар) учун ҳисоботларни тайёрлаш.</p> <p>Ташқи аудит: инвестицион портфелнинг меъёрий талабларга ва компания мақсадларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун аудит олиб бориш</p>

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Суғурта портфелини шакллантириш босқичлари суғурта компаниялари учун самарали инвестиция портфелини шакллантиришга, рискларни минималлаштиришга ва компаниянинг барқарор молиявий фаолиятини таъминлашга ёрдам беради. Суғурта компанияларининг ташкилотининг ўзига хос хусусиятларига ва бозор шароитларига қараб, бу босқичлар мослаштирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Суғурта портфели билан боғлиқ муаммолар бу уни оптималлаштириш, активларни самарали тақсимлаш ва рискларни минималлаштириш билан боғлиқ. Асосий мақсадлардан бири суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш учун рентабеллик ва ликвидлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Диверсификация ҳам муҳим масала ҳисобланади, чунки активларни нотўғри тақсимлаш молиявий барқарорликни йўқотишига олиб келиши табиий.

Суғурта портфелини бошқаришда мослашувчанликни талаб қилувчи иқтисодий тебранишлар, беқарорликлар, қонунчилик ва молия бозорларидаги ўзгаришлар каби ташқи омилларни ҳисобга олишда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Шунингдек, бу ерда тартибга солишва назорат масаласи ҳам бор, бунда компаниялар қатъий қоидалар ва стандартларга риоя қилишлари керак бўлади, бу эса мувозанатли портфелни яратишга салбий таъсир қилиши мумкин бўлади. Ушбу йўналишдаги илмий изланишлар рискларни прогнозлаш, активларни оптималлаштириш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Суғурта портфели ва унинг суғурта компаниялари фаолиятидаги функциялари таҳлили молиявий барқарорликни таъминлаш ва стратегик мақсадларга муваффақиятли эришиш учун актив ва пасивларни самарали бошқариш муҳимлигини таъкидлайди. Суғурта портфелини оптималлаштириш асосий вазифа бўлиб, рискларни тўғри тақсимлаш, активларни диверсификация қилиш ва ликвидликни таъминлашга қаратилгандир. Бу омиллар ўртасидаги номувофиқлик катта молиявий йўқотишларга ҳамда компаниянинг бозордаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Доимий ўзгариб турадиган иқтисодий вазият, молиявий инқирозлар ва қонунчиликдаги ўзгаришлар шароитида суғурта компаниялари ташқи ҳамда ички рискларни минималлаштириш учун ўз портфелларини эгилувчан тарзда мослаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Портфель функцияларини самарали амалга ошириш нафақат молиявий барқарорликни сақлашга ёрдам беради, балки компаниянинг узоқ муддатли барқарорликни сақлаб қолиш учун ҳам муҳим бўлган фойда олиш учун шароит яратади.

Суғурта портфелларини шакллантириш ва бошқариш соҳасидаги илмий тадқиқотлар активларни тақсимлашни оптималлаштириш, рискларни прогнозлаш ва компанияларнинг рентабеллигини оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Портфелни бошқаришнинг янги усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш, шунингдек, рискларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш жаҳон иқтисодий ўзгаришлар шароитида суғурта компанияларининг барқарорлиги ва самарадорлиги йўлида хизмат қилади.

Шундай қилиб, суғурта портфелини тўғри ва илмий асосланган бошқариш суғурта компанияларининг ишончлилиги ва молиявий муваффақиятини, шунингдек, уларнинг бозордаги янги чақириқларга мослашиш қобилиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар / Литература / Reference:

- Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.
- Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, (6), 7.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol.: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>
- Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, (3), 7.
- Hana S. et al. (2018) Corporate transparency and reserve management: Evidence from US property-liability insurance companies. *Journal of Banking and Finance* 96. 379–392 p.
- Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
- Абдурахмонов И (2025) Суғурта соҳасининг тараққиётида манфаатдор томонлар ва уларнинг стратегияси. (2025). *Ilg'or Iqtisodiyot Va Pedagogik Texnologiyalar*, 2(1), 440-447. <https://doi.org/10.60078/3060-4842-2025-vol2-iss1-pp440-447>
- Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. *Каталог авторефератов*, 1(1), 1–20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. *Экономическое развитие и анализ*, 2(7), 230–239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. *Экономическое развитие и анализ*, 2(4), 309–319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12–15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. *Ўқув кўлланма*. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 23-24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. *Учебник/–Т.: «Иқтисод молия*, 353-354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. *Автореферат дисс... и. ф. д*, 78.
- Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *Tadqiqotlar. Uz*, 37(6), 161-167.
- Акимова Т.В. (2017) Необходимость и возможности оптимизации структуры инвестиционного портфеля страховых компаний РФ на современном этапе // *Страхование в системе финансовых услуг в России: место, проблемы, трансформация. Сборник трудов XVIII Международной научно-практической конференции*. Кострома: Костромской государственный университет. С. 109-112.
- Жигас М.Г. (2009) *Финансы страховых предприятий*. Иркутск: Изд-во БГУЭП. 396 с.
- Журавка Е.С. (2016) Особенности формирования инвестиционного потенциала страховых компаний // *Банковская система: устойчивость и перспективы развития*.

Сборник научных статей седьмой международной научно-практической конференции по вопросам банковской экономики. Пинск: Полесский государственный университет. С. 56-59.

Окорокова О.А. (2012) Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний. Журнал Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. 1-10 стр.

Тургаева А.А. (2017) Инвестиционный потенциал страховых компаний и оценка их конкурентоспособности // Финансы и кредит. Т. 23. № 2. С. 89-109.

Чалдаева Л.А. (2011) Страховой портфель, его качественные и количественные характеристики. Финансы и кредит. №12 (444) 1-3 с.

Шор И.М. (2013) Процессный подход к формированию финансовых ресурсов страховой компании. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. № 1 (22) – С. 187-195.